O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 5 август, чоршанба • № 61 (11.044) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЕТТИ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 январдаги "Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги УП — 1919-сонли Фармонига қўшимчалар киритиш тўғрисида

Янги корхоналар қуриш ва ишлаб турган корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уларнинг фаолиятини технологик жиҳатдан рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтириш учун янада қулай шароит яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 январдаги УП—1919-сонли Фармони қоидалари қуйидаги банд билан тўлдирилсин:

"Янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, шунингдек, ишлаб турган корхоналарни янгилаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга доир белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ, республика ҳудудига келтирилаётган технология ускуналари, ваколатли банкнинг тегишли тасдиқловчи ҳужжати бўлган тақдирда, қўшимча қиймат солиғидан озод қилинсин".

2. Вазирлар Маҳкамасининг инвестиция дастурлари бўйича департаменти Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, ваколатли банклар билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида тасдиқланган инвестиция лойиҳаларига мувофиқ импорт қилинаётган технология ускуналарини қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод қилиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 3 август.

ДАСТУРХОНДА ПАРҲЕЗ ГЎШТ

Халқимизда паррандачиликни "етти хазинанинг бири", деб аташади. Дарҳақиқат, ишнинг кўзини билиб меҳнат қилган киши товуқчиликдан катта даромад олиши мумкин. Буни Бўстонлиқ туманидаги "Озодбош" қўрғонида голландиялик тадбиркорлар билан биргаликда ташкил этилган "Голден Винг" қўшма корхона жамоаси мисолида яққол кўриш мумкин.

Қўшма корхона ҳозирча фақат парҳез товуқ гўшти ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу ерда ойига 50 тоннадан зиёд гўшт етиштирилиб, аҳоли дастурхонига етказиб берилмоқда.

Хўш, қисқа муддатда шунча кўп миқдорда маҳсулот тайёрлашнинг сири нимада?

— Бунинг ҳеч қандай сири йўқ, — дейди биз билан суҳбатда товуқбоқар Заҳира Алимқулова. — Фақат кишидан ўз ишига виждонан ёндашиш, зооветеринария қоидаларига тўла амал қилиш талаб этилади, холос.

Дарҳақиқат қўшма корхонада ўз касбининг усталари, ҳақиқий жонкуярлари меҳнат қилмоқда. Уларнинг ҳалол, фидокорона фаолияти туфайли ишлар тобора юришмоқда.

Суратларда: 1. Озуқа цехи бошлиғи Эсонбой Тожибоев (ўнгда) ишчи Баҳром Мирбобоев ва ҳайдовчи Олтинбек Нисанбоев билан. 2. Инкубатор цехи бошлиғи Нурали Жумашев. 3. Товуқбоқар Заҳира Алимқулова.

В. ПОРТНОВ олган суратлар.

Истиқлол одимлари

МЕҲНАТ — САЛОҲИЯТ — САМАРА

ЕТТИ ЙИЛ... Шу қисқа муддат мамлакатимиз ҳаётида асрларга татигулик из қолдирди. Чунки, у бизнинг озод ва эркин тараққиёт йилларимиз бўлди. Халқимизнинг юз йилдан ошиқроқ давр давомидаги орзу-умидлари ушалди. Ўзига хос, ўзига мос йўлни танлаган мамлакатимизда ижтимоий йўналишдаги, яъни биринчи навбатда халқ манфаатларига қаратилган иқтисодий ислоҳотлар кенг кўламда олиб борилди, у тобора жадаллашиб, чуқурлашмоқда. Меҳнаткаш, ижодкор халқимиз ўз қудратини, салоҳиятини тобора ёрқинроқ намойиш эта бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, "МУСТАҚИЛЛИК ШАРОИТИДА ЎТАЁТГАН ҲАР БИР КУНИМИЗ, ҲАР БИР ҚИЛАЁТГАН ИШИМИЗ ХАЛҚИМИЗНИНГ БЕҚИЁС ЯРАТУВЧИЛИК САЛОҲИЯТИНИ, БУНЁДКОРЛИК ИСТЕЪДОДИНИ, КУЧ ВА ҚУДРАТИНИ ЯҚҚОЛ КЎРСАТМОҚДА".

Мустақиллик йилларида вилоятимиз халқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланган саноат соҳасида қўлга киритилаётган ютуқларимиз бу фикрларнинг ёрқин далили бўла олади. Бозор муносабатларига ўтиш даврининг дастлабки қийин ва мураккаб босқичидан муваффақиятли ўтиб олган саноатимиз барқарорликка эришиб, ривожланиш томон юз тутди.

Республикамизнинг МДҲ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб саноат ишлаб чиқариши ҳажми бўйича қизил империянинг сўнгги йилидаги даражадан ўзиб кетишида вилоятимиз саноатчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Шуни айтиш кифояки, вилоятимизда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми, айниқса, кейинги йилларда жадал ортиб борди. Биргина 1996 йилда бу кўрсаткичнинг ортиши деярли 15 фоизни ташкил этди. Бу суръат кейинги йилларда ҳам сақланди. Ўтган йили бу ўсиш 6,4 фоизга етди ва бунинг ҳисобига қўшимча жами 4,5 миллиард сўмлик маҳсулот чиқарилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида тайёрланган саноат маҳсулоти ҳажми 50,1 миллиард сўмликдан ошиб кетди ва ўтган йилнинг шу давридагидан 1,9 миллиард сўмлик кўп маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилди. Ўсиш кўрсаткичи 104 фоизга етди.

Буни саноатимиздаги миқдор ўзгаришлар деб таърифлаш мумкин. Лекин, унинг иккинчи, янада муҳим томони ҳам бор. Бу сифат ўзгаришидир. У ишлаб чиқариш шаклида ҳам, уни бошқаришда ҳам, унга эгалик қилишда ҳам юз берди. Илгариги эгасизлик, умуммулки деган тушунча тобора чекинмоқда. Давлат мулкини тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни давом этиб, мулк ҳақиқий эгаларига топширилмоқда. Халқимизда соҳиблик ҳисси кучаймоқда, мулкдорлар синфи шаклланмоқда. Тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг ривожланиши учун барча қулай шароитлар яратиб берилмоқда.

Худди шундай. Салоҳият, имкониятларни рўёбга чиқариб, халқимиз фаровонлиги, мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшиш учун барча ҳуқуқий асослар, кенг кўламдаги имкониятлар яратиб берилди. Фақат изланиш, оқилона иш тутиш лозим эди. Халқ хўжалигининг барча асосий тармоқлари каби саноатда ҳам жамоа, шахсий мулк эгалиги ривожланди.

Бугунги кунга келиб, вилоятдаги барча мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг 86,4 фоизи нодавлат секторга тегишлидир. Улар ишлаб чиқарилган жами маҳсулот ҳажмининг 78 фоизини тайёрламоқдалар.

Мулкчиликнинг турли шакллари орасида ҳиссадорлик жамиятлари салмоқли ўрин эгаллаб турипти. Улар йирик саноат корхоналари негизида ташкил топмоқда. Бундай жамиятларга асосан меҳнат жамоаларининг ўзлари соҳиблик қилмоқдалар. Ҳатто, давлат ҳам ўз улушларини уларга ўтказмоқда, бунда катта имтиёзлар ҳам берилмоқда.

Бугун вилоятимизда 426 та шундай жамият фаолият кўрсатмоқда. Улар бозор талабларини ҳисобга олиб, касодга учраган маҳсулот турларини тайёрлашни тўхтатишмоқда, ўрнига харидоргир, бозори чаққон буюмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Энг муҳими, илгари ва ҳозир ҳам четдан келтирилаётган маҳсулотларнинг ўрнини босадиган, ҳатто, хорижий мамлакатларда ҳам талаб қилинаётган маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Бунинг учун чет элларнинг илғор, замонавий ва янги технологиялари, асбоб-ускуналари жорий қилинмоқда.

Мустақилликнинг кейинги йилларида саноатимизнинг экспорт салоҳияти ҳам ортиб бормоқда. Бу жараён кўп жиҳатдан хорижий шерикларни топиш ва улар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, чет эл сармояларини ва технологияларини жалб қилиш натижасида юзага келмоқда. Энг муҳими, бунда актив савдога эришилмоқда. Масалан, ўтган йили ташқи савдо оборoти ҳажми 685,0 миллион АҚШ долларига етказилган бўлса, шундан экспорт маҳсулотлари 54,3 фоизни ёки деярли 372 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Экспорт бўйича ўсиш олдинги йилдагига нисбатан 8,8 фоиз ортди. Бу ҳолат жорий йилда ҳам давом этмоқда. Унинг ҳажми биринчи чоракда ўртача эллик миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, иккинчи чоракда ўртача олтмиш миллион АҚШ долларига етди.

Ҳозирги вақтда саноатимизни чет эллик шериклар ва уларнинг сармоялари билан барпо этилган қўшма корхоналарсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу ҳам мустақиллик берган иньомларнинг биридир. Бемалол ҳорижга чиқиш ва шериклар излаш имкони туғилди. Натижада ички истеъмол бозори учун ниҳоятда зарур маҳсулотлар кўплаб тайёрланадиган бўлди.

Вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги қўшма корхоналар сони 140 тага яқинлашиб қолди. Уларнинг салкам учдан икки қисми қишлоқ туманларида жойлашганлиги эътиборлидир. Жорий йилнинг биринчи ярмида қўшма корхоналар рўйҳати яна еттитага ортди. Уларни барпо этишга 36,5 миллион АҚШ долларига яқин хорижий сармоялар сарфланди.

Асосан маҳаллий, шунингдек, хорижий хом ашёлар асосида ишлашга мўлжалланган қўшма корхоналар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни ички бозорга чиқаришдан ташқари экспорт ҳам қилишмоқда. Унинг ҳажмини тез суръатлар билан кўпайтирмоқдалар. Агар 1996 йилда уларнинг хорижий буюртмачиларга жўнатган маҳсулотлари бир миллион сўм атрофида бўлган бўлса, ўтган йили у нисбатан 37,6 марта ошиб, 36,7 миллион сўмни ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса 23,8 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулотлар экспорт қилдилар. Экспорт жами ҳажмида қўшма корхоналарнинг ҳиссаси муттасил ортиб бормоқда.

Чет эл сармояси жалб қилиниб барпо этилган қўшма корхоналар мамлакатимиз шуҳратини тобора оширмоқда. Айниқса, Жанубий Корея билан биргаликда барпо этилган "Кабул-Тўйтепа текстиль" қўшма корхонаси жамоасининг фаолияти самарали бўлмоқда. Қўшма корхоналар туфайли истеъмол бозорига пойабзаллар, қандолат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, доридармонлар, озиқ-овқатлар ва бошқа маҳсулотлар чиқариш кўпайди.

Бозор муносабатларига ўтишда кичик, ўрта бизнес ва хусусий корхоналарни барпо этишга катта эътибор берилмоқда. Улар бозор иқтисодиёти шароитларига мослиги билан ажралиб туради. Бундай корхоналар қишлоққа саноатни киритишга қаратилган устивор йўналишни амалга оширмоқда, истеъмол бозорини рақобатбардош ва сифатли моллар билан тўлдиришга ёрдам бермоқда. 1996 йилда 1442 та кичик корхона фаолият кўрсатган бўлса, ўтган йили уларнинг сони 1469 тага етди. Йилимизнинг биринчи ярмида ўнлаб янги кичик ва хусусий корхоналар маҳсулот бера бошлади.

Буларнинг барчаси мустақилликка эришганимиздан кейин истеъмол бозорини тўлдириш, халқимиз дидига мос, талабига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган оқилона сиёсат натижаси бўлди. Ҳатто, йирик саноат корхоналари ҳам, кичик корхоналар ва хусусий бизнес ҳам бу муҳим ишда фаол қатнашмоқдалар. Эндиликда замонавий мураккаб рўзғор буюмлари — телевизорлар, видеомагнитофонлар, дазмоллар, электр чироқлари ва бошқа шу каби маҳсулотларда маҳаллий корхоналарнинг тамғалари бор. Улар 1996 йилда 24 миллиард сўмлик атрофидаги кенг истеъмол молларини тайёрлаган эдилар. Ўтган йили эса бу кўрсаткич 27,9 миллиард сўмликка етди, ўсиш суръати эса 121,6 фоизни ташкил этди. Жорий йилда бундай маҳсулотларнинг янада кўпроқ тайёрланиши кутилмоқда. Биринчи ярим йилликдаёқ истеъмол бозорига етказиб берилган бундай буюмлар 17,1 миллиард сўмликдан ҳам ортиб кетди. Ўсиш суръати ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 113,9 фоиз бўлди.

Саноатчиларимиз бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги дастлабки қийинчиликларни енгиб, порлоқ истиқбол сари дадил одим ташламоқдалар, кун сайин, ой сайин, йил сайин самаралироқ, салмоқлироқ, баракалироқ ишламоқдалар.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ,
"Тошкент ҳақиқати"нинг иқтисодий шарҳловчиси.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

ЯҚИНДА Янгийўл шаҳар фаолларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шаҳар ҳокимлиги бўлим ва бошқармаларининг бошлиқлари, хўжалик ва муассасалар раҳбарлари, маҳалла кўмиталари оқсоқоллари, халқ таълими ходимлари иштирок этишди.

Шаҳарни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришнинг 1998 йил ярим йиллик якунлари ва ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида галдаги вазифалар тўғрисидаги масала атрофлича муҳокама қилинди. Бу ҳақда шаҳар ҳокими Шуҳрат Қорабоев маъруза қилди.

Музокараларда сўзга чиққанлар ўтган давр мобайнида қўлга киритилган ютуқлар ва бу борада йўл қўйилган камчиликлар хусусида сўз юритишди. Мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Зуҳра ҲАЙДАРОВА.

УЙЛАРИГА ТЕЛЕФОН ТУШДИ

ВИЛОЯТ давлат электр алоқа бошқармаси ходимлари ва хизматчилари шу йилнинг етти ойи мобайнида самарали ишлашди.

Бу вақт ичида 1700 нафар хонадон эгаларининг телефон тушириб бериш тўғрисидаги аризалари қондирилди. Шу муносабат билан эндиликда абонентлар сони 154 мингдан ошиб кетди.

Йилнинг иккинчи ярмида яна 3,5 минг оила бундай хизматдан баҳраманд бўлади. Телефонлаштириш борасида Олмалиқ, Янгийўл, Бекобод шаҳарлари ва Бўстонлиқ тумани электр алоқачилари олдинда боришмоқда.

Саидвали ҲАСАНОВ.

ЯНГИ КОРХОНАЛАР

Ангрен шаҳрида янгидан-янги ишлаб чиқариш корхоналари вужудга келяпти. Жумладан, "Чотқол—БК" қўшма корхонаси тўла қувват билан ишлай бошлади.

Корхона жамоаси йилнинг биринчи ярмида 441 та автомобиллар учун аккумулятор ишлаб чиқарган эди. Жамоа йил охиригача яна камида 1000 та ана шундай маҳсулот тайёрлашни режалаштирди.

"Дукент-инвест" жамоа корхонасида эса "ЎзДЭУавто" автомобиллари учун 41 номда пластмассадан ясалган қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Янгиобод қўрғонидаги Россия билан ҳамкорликда ташкил этилаётган қўшма корхонада тез кунлар ичида конларда ишлатиладиган портлатувчи детанаторлар ишлаб чиқариладиган бўлади.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

ЯККАЛАБ ҚЎЙМАЙМИЗ

БЕКОБОД шаҳар меҳнаткашлари сув тошқини оқибатларини тугатиш, бузилган иншоотлар ва уйжойларни тиклашда шоҳимардонликларга баҳоли-қудрат ёрдам беришга отландилар. Улар талофат кўрган қишлоқ аҳолисини табиат хуружи олдида яккалаб қўймаймиз, демоқдалар.

Шоҳимардон бошига тушган фалокат ҳақидаги хабар тарқалиши билан шаҳарда Шоҳимардон жамғармасига маблағлар туша бошлади. Бекободликлар юбориш учун тўплаган турли-туман маҳсулотлар ўнта машинага ортилди. Улар орасида бир неча тонна металл прокати, ғишт, шифер, асбоцемент қувурлари каби бинокорлик ашёлари бор эди. Шунингдек, бир машинага озиқ-овқатлар ортилди. Қийим-кечаклар ҳам айрим-айрим автоуловларда жўнатилди.

Ҳамид МАҲМУДОВ.

ХАЛҚОБОДДА ЎҚУВ МАСКАНИ

ЎҚУВЧИ ёшларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ва машинасозлигига яқинроқ жалб қилиш мақсадида республика болалар ёзги агросаноат мактаби очилди. Мамлакатимизда илк бор ташкил этилган бу даргоҳ ўз фаолиятини Янгийўл туманининг Халқобод қўрғонидаги мактаб-лицейи негизида бошлади.

Унинг кўпчилик тингловчилари ўқувчилар техника ижодиёти республика маркази томонидан уюштирилган кўрик ғолиблари ҳисобланади. Шу сабабли ҳам агросаноат мактабининг очилиши маросимида ёшларнинг техника ижодкорлиги кўргазмаси ташкил этилди. Намойиш этишга қўйилган экспонатлар орасида Тошкент вилояти ёш техник ижодкорлари ишлари ажралиб турди. Ўқувчилар техника ижодиёти Тошкент вилояти маркази тўгараги аъзолари ясаган моделлар кўпчилик томошабинларга манзур бўлди.

Али АКБАРОВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ
янгиликлар, одамлар, воқеалар

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

1992 ЙИЛНИНГ СЕНТЯБРИ ЭДИ...

ЎЗБЕКИСТОН — КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

Мактаб даври инсон ҳаётидаги энг унутилмас давр ҳисобланади. Ўзбекистонимиз мустақиллигининг биринчи йили нишонланган йилда туғилган болалар учун 1992 йил 1 сентябрь куни унутилмас сана бўлиб қолади — чунки уларнинг кўпчилиги бу йил олти ёшдаёқ биринчи марта мактабга боради!

Ўшанда бу болаларнинг барчаси Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов номидан турли-туман совға-салом—болалар аравачалари, чақалоқлар учун комплектлар, ўйинчоқлар олган эди.

Бугун ўша чақалоқлар — истиқлол фарзандларининг тақдири кишини қизиқтиради. Чунки, улар энди "катта одам" бўлиб қолган, янги XXI аср ёшлари ҳисобланади.

Ушбу сатрлар муаллифи 1992 йил сентябрь ойи бошида, мустақиллигимизнинг дастлабки байрами кунларида Тошкентдаги 5-туғруқхонада бўлиб, 1 сентябрь куни туғилган болалар ва уларнинг бахтиёр оналари тўғрисида фотолавҳа тайёрлаган эди. Бугун камина ўша қаҳрамонларим билан яна қайта учрашиб турибман.

Жажжигина Саодатхон Умарова ўтган йиллар давомида яна икки сингилчали бўлибди. У Сабоҳат ва Моҳира исмли сингиллари ҳамда ота-онаси билан Юнусобод даҳасидаги кенг, шинам, ёруғ хонадонда ўсиб-улғайяпти. Оталари — Шавкат Умаров 13-мусиқа мактабида дарс беради, оналари — Ўғилой ширин қизларини тарбия қилиш билан банд.

Бобур Яҳёевдан кейин туғилган укаси Иброҳим уч ёшга кирди. Тўғри, Бобур оилада тўнғич фарзанд эмас. Ундан олдин опаси Ҳуснора туғилган. Оналари — Динора муҳандис-технолог, оталари Мирқодир умумовқатланиш тизимида ишлайди.

Ўша йили туғилган Зилола Шоносироваинг ҳам Зиёда ва Ирода деган иккита синглиси бор. Уларнинг оталари Илҳом "Тошкент тўқимачилик комбинати" акциядорлик жамиятида ишлайди, оналари Зарифа эса — болалар шифокори.

Саодатхон Қаюмованинг ҳам Камола деган синглиси бор. Оналари Барно опа аслида болалар шифокори, ҳозир қизларининг тарбияси билан банд. Оталари Абролжон эса, "Ўздэуэлектроника" қўшма корхонасида телевизор ишлаб чиқармоқда.

Бу рўйхатни давом эттиравериш мумкин. 1992 йил 1 сентябрида Юнусобод туманининг ўзида 14 нафар, Тошкент шаҳри бўйича эса 128 нафар чақалоқ туғилган. Айтиш мумкинки, истиқлол фарзандлари. Яна бир муҳим факт: ўша пайтда уларнинг оналари ўртача 21, оталари эса 24 ёшда бўлган.

Барча ота-оналар Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги кунида фарзанд кўргани учун ўзларини ниҳоятда бахтли деб ҳисоблайди. Улар фарзандларини ватаннинг муносиб фуқаролари қилиб тарбиялаш — муқаддас бурч эканини яхши ҳис этади. Бундай муқаддас кунда туғилган болаларнинг бахтиёрлигини айтмайсизми!

Туғилган кунининг ўзида республика Президентининг ўзидан совға олган боладан ҳам бахтли инсон бўладими! Бу бахт уларга бир умр ҳамроҳ бўлсин!

Ҳозир бу болалар эртанги кун — Мустақиллик байрами ҳамда ўзларининг мактабга қўядиган дастлабки қадамига тайёргарлик кўряпти.

Рустам ШАГАЕВ,
ЎзА мухбири.

ҚУТЛУҒ САНА ШАРАФИГА

Бу жамоа хизматидан нафақат Пскентдаги, айни вақтда қўшни туманлардаги кўпчилик корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар ҳам фойдаланмоқдалар. Чунки 82-автокорхона транспортчилари барча буюртмаларни вақтида тез ва соз бажарадилар. Ҳар қандай юкни белгиланган манзилга элтиб беришга доим ҳозиру нозирлар. Бунга автотранспорт воситаларининг доим шай туришини таъминлаш, уларни илож борича кўпроқ йўлга чиқариш, ҳайдовчилар малакаси ва маҳоратини, уларнинг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлигини ошириш ҳисобига эришмоқдалар.

Ҳозирги кунда юзларча мижозларга хизмат кўрсатаётган транспортчилар галла ўрим-йиғими мавсумида ҳам самарали ишладилар. Донни пешма-пеш давлат омборларига ташиб турдилар. Ҳозирги кунда ҳам меҳнат кўтаринкилиги сусаймай давом этмоқда. Барча ҳайдовчилар, таъмирловчилар ва бошқа касб эгаси бўлган транспортчилар тарихий сана — мамлакатимиз мустақилликка эришганининг етти йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган умумхалқ ватанпарварлик ҳаракатида фаол қатнашмоқдалар. Жорий йилнинг ўтган ойларида белгиланган йиллик меҳнат маррасини эгаллашда салмоқли одим ташланди. Олти ойлик юк ташиш, даромад олиш ва бошқа шу каби кўрсаткичлар чакки бўлмади. Деярли ҳаммаси ортиғи билан бажарилди. Транспортчилар июль ойида ҳам баракали ишламоқдалар.

Суратларда: автокорхона раҳбари Эргаш Ҳайдаров: автожамлама бошлиғи Пўлат Умаров (ўртада), навбатчи механик Икром Гайдаров ва ҳайдовчи Юсуп Мирқосимовлар ўзаро суҳбатлашмоқдалар; ҳамшира Башорат Исаева корхона ишчи-хизматчиларининг соғлиғидан кўз-қулоқ бўлиб туради; автомашиналар йўлга чиқмоқда.

Хусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.

"Ўзбекистон матбуоти" — 80 ёшда

ҚЎЛМА-ҚЎЛ ЮРГАН ЖУРНАЛ

...Аввалгиларини қўяверайлик. Бу йилнинг ўзидаги уч воқеани айтмоқчиман...

Кунларнинг бирида метрода келаётиб, ёнма-ён бир йигит билан ўтириб қолдим. У дарҳол қўлидаги журнали очиб, берилиб ўқий бошлади. Муқовага кўзим тушиб қолди. "Ўзбекистон матбуоти." Қизиқсинаётганимни сезди чоғи, ҳамроҳим журналдаги рангли суратларга ишора қилиб, "Менинг ватандошларим" деди чала талаффузда.



Расмларда Олмониянинг "Гейдельберг" компанияси президенти Мехдорн Хартмут бошчилигидаги Оврупо матбаачилари делегациясининг Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси "Растр"га ташриф буюрганликлари акс эттирилган эди. Олмониялик ишбилармон Ханс Шмидт журнали Берлинга олиб кетажаклигини айтди... Яқинда Намангандан Тошкентга келган ҳамкасбимиз — Нарзулла Йўлдошевнинг бир даста журнал кўтариб кетаётганида учратиб қолдим. "Бахай, нималар қўлтиқлаб юрибсиз" деган саволимизга "Бу — "Ўзбекистон матбуоти" журнали, биз томонларда унинг ўқувчилари кўп. Буюртма беришганди", деб кулди... У куни эса Чирчиқ бозорида кўзтаниш Тожибой Алимов деган нафақадор ўқитувчига мазкур журнали ўқиб турганида дуч келиб қолдим. У қатағон қурбонларидан бири бўлган Муҳиддин Турсунхўжаев ҳақидаги мақолани мутолаа қилаётган экан.

...Китоб бўлсин, газета бўлсин, журнал бўлсин, рисола бўлсин, ҳайтовур, қўлмақўл юрса, қидириб ўқилса, демак, бу нашрнинг оммабоплигига, ҳаммабоплигига шубҳа қилмаса бўлади. "Ўзбекистон матбуоти" журналини шу тоифадаги ўқиладиган "нарсалар" сирасига киритсак, арзийди. Чунки, ўзининг айни кунларда 80 йиллигини нишонлаётган ушбу журнал чиндан ҳам мухлисларнинг, муштарийларнинг, қўйинг-чи, кўпчилик касб эгаларининг севимли нашрига айланди. Айниқса, кейинги йилларда у алоҳида мазмун, шакл ва маъно касб этди.

1918 йилнинг 15 июлида "Туркистон матбаачиси" номи билан таваллуд топган ойнома кейинчалик "Наш рабкорр", "Трибуна рабкорра", "Мухбирлар йўлдоши", "Маҳаллий матбуот ходимларига ёрдам", "Мухбир" — "Корреспондент" номлари билан чоп этилди. Саксон йил ҳазил эмас. Бу йиллар давомида миллатимиз маънавиятида, халқимиз ҳаётида, одамларимиз онгида, кишиларимиз кушойишида, зиёйиларимиз зеҳнида не-не ўзгаришлар, алғов-далғовлар, урсурлар, қатағонликлар, таҳқирлашлар, фожеалар бўлмади, дейсиз. Барча матбуот нашрлари мажбурий равишда коммунистик мафкура "қули"га айлантирилди. Улар қизил империянинг сохта ғояларини "дўмбира" қилишга маҳкум эдилар. "Ўзбекистон матбуоти" ҳам бу дардисарликлардан четда қолмади. Аммо, имкон қадар жон сақлашга ҳаракат қилди. 20—30 йилларда Чўлпон, Элбек, Фитрат, Абдулла Қодирий, Ғози Юнус, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Шуҳрат сингари қалам соҳиблари бу журнал саҳифаларида фаол иштирок этдилар. Лекин, уларнинг кўпчилиги большевикларнинг тиғи-парронига учдилар ёхуд ғоясизликда айбланиб, оғир туҳматларга дучор қилиндилар.

"Ўзбекистон матбуоти" сўнгги йиллардагина ўзининг чинакам қадр-қийматини топди, қаддини ростлади, десак бўлади. Она-Ватанимиз мустақилликка эришганидан кейингина у ўзининг вазифаларини эркин, ҳалол, сидқидилдан адо эта бошлади. Журнал халқимизга, барча журналистлар, ноширлар, матбаачиларга астойдил хизмат қилиб келмоқда. Оқибатда у ўз мухлисларининг чуқур эҳтиромига сазовор бўлди. Республика, вилоят, туманлар газеталари, телерадиокомпания, нашриётлар, матбаа корхоналари, китоб савдоси ташкилотлари фаолияти, тажрибалари ва ташаббусларининг мунтазам ёритиб борилаётганлиги фикримизнинг далилидир. "Муҳаррир минбари", "Нашриёт-матбаачилик", "Телевидение, радио", "Ўзбекистон матбуот йўқламаси", "Китоб — ақл чироғи", "Барҳаёт сиймолар", "Фахрийлар — фахримиз", "Матбуотимиз фидойилари", "Ҳамкасблар" сингари рукнлар кўпчиликнинг назарига тушди.

Журнал жамоаси айни кунларда ўзгача куч ва шуур билан ижод довонларини фатҳ этмоқда. Зотан, олдинда амалга ошириладиган, қиёмига етказиладиган вазифалар ҳали кўп. Президентимиз айтганларидек, "Истиқлолнинг ўтган даврида журналистларимиз тафаккури, дунёқараши ўзгарди. Матбуотимиз тобора миллий шакл, миллий мазмун, миллий қиёфа касб этиб бормоқда. Янги XXI аср ақл-идрок, маънавият ва тафаккур асри — соғлом мустақил фикр, соғлом ғоя, умуминсоний қадриятларга таянган тафаккур тантана қиладиган аср бўлади. Ана шундай пайтда ҳаётимизда матбуотнинг роли яна ҳам ошади".

"Ўзбекистон матбуоти" журналининг ҳар бир ходими бу калималар мағзини обдон яхши чақиб олмоқдалар. Улар янги-янги ижодий ютуқларга эришиш учун бутун маҳоратларини, ақл-заковатларини аямайдилар, деб умид қиламиз.

Раҳимберди УМАРОВ.

Ҳамкорлик робиталари

"КРУПП" ШЕРИК БЎЛАДИ

МУСТАҚИЛ мамлакатимиз халқ хўжалигининг муҳим ёқилғи турларидан бири — кўмирга бўлган ва йил сайин ортиб бораётган эҳтиёжни кондиришга муносиб ҳисса қўшаётган Ангрендаги кўмир кони жамоаси корхонани қайта қуриш режасини ишлаб чиққан эди.

Унда замонавий ва илғор технология жараёнларини жорий қилишга алоҳида аҳамият берилди. Илғор мамлакатлар кўмирчиларининг бу соҳадаги иш тажрибаси, фойдаланаётган кон техникаси ҳар томонлама ўрганилди.

Қайта қуриш ишларини хориждан шерик жалб қилмасдан ўз кучлари билан амалга ошириш мушкул эди. Шунинг учун Олмониянинг жаҳонга машҳур "Крупп" фирмаси билан музокаралар олиб борилди. Фирма раҳбарлиги ўзбек кўмирчиларига конни техника билан қайта ускуналашда фаол кўмаклашишга рози бўлди.

Ҳозирги вақтда юз метрдан ҳам ошиб кетган чуқурликдан қазиб чиқарилаётган кўмир ва тупроқ-шағал оғир юкни ўзиағдарар автомашиналар ва поездларда юқорига ташилмоқда. Бунинг натижасида катта қийинчиликларга дуч келинмоқда, уларни бартараф этиш учун эса кўп вақт ва маблағ талаб қилинмоқда.

"Крупп" фирмаси ёрдамида конвейер транспортини кенг жорий қилиш назарда тутилмоқда. Бир неча йўналишда ишлаб турувчи конвейер линиялари ёқилғи ва тупроқ-шағални юқорига ташиб боради. Натижада бошқа транспорт воситаларига эҳтиёж кескин камаяди. Дастлабки ҳисобларга қараганда шу техника янгилиги туфайли кон унумдорлиги бир ярим баравар ортади.

Собир ҲАМИДОВ.

Ишчилар сулолалари

20 ВАКИЛИ — БИР КОРХОНАДА

УМР нима? Инсоннинг бу ёруғ дунёда шунчаки мавжудлигими ёки яшаш учун берилган имкониятими? Нега уни оқар сувга қиёслашади? Суҳбатдошимиз — Усмонали аканинг "Умр сувдек оқиб ўтавераркан, ҳашпаш дегунча элликка тўлиб қолибман" дегани ана шу ҳақда ўйлатиб қўйди бизни...

"Оҳангаронцемент" ҳиссадорлик жамиятининг тажрибали мутахассисларидан бири Усмонали Рафиқов яқинда ўз умрининг эллигинчи баҳорини қарши олди. Суяги меҳнатда, эл-юрт ташвишида қотган ишчи бу санани мамнуният билан кутиб олди. Унинг мамнунлиги шундаки, у цементчилар сафида ишлаб ҳаётда ўз ўрнини, бахтини, қувончини топди, элга Усмонали Рафиқов бўлиб танилди.

Дарвоқе, Рафиқовлар сулоласи "Оҳангаронцемент" жамоасигагина эмас, балки Оҳангарон шаҳри аҳлига ҳам яхши таниш. Зероки, бу сулоланинг эътиборга лойиқ тарихи ва фаолияти ҳақида ҳар қанча фахр билан ҳикоя қилса арзийди. Жамоада Рафиқовлар сулоласи ташкил топишининг бошланиши мазкур корхона барпо этилишининг бошланишига бориб тақалади. Цемент корхонасининг қурилиши бошлангач, кўп ўтмай бу даргоҳга ака-ука Рафиқовлар ҳам бирин-кетин кела бошлашди.

Усмонали Рафиқовнинг катта акаси, қурилиш соҳасида ўзига хос тажриба тўплаган раҳматлик Шоҳариб Дўсов заводнинг қурилишига, ишга тушишига, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига ўзининг муносиб улушини қўшган эди. У қурувчи, смена устаси, қурилиш ва тоғдан хом ашё қазиб олиш цехларининг бошлиғи бўлиб, 25 йил фаолият кўрсатди.

Усмонали аканинг яна бир акаси цементчилар ибораси билан айтганда, ишлаб чиқаришнинг «юраги» ҳисобланган хомашёни ўта юқори ҳароратда қуйдирувчи клинкер цехининг бошлиғи Алижон Рафиқов эса 1965 йилдан буён узлуксиз шу цехда пешона тери тўкаяпти. Усмонали аканинг қурилиш тармоқларидан бирига бошчилик қилаётган укаси Турғунали эса корхонада иш бошлаганига йигирма икки йил бўлди.

От ўрнини той босар, дейдилар. Шуниси эътиборга лойиқки, бу тўрт ака-ука оила аъзоларининг аксарияти, фарзандларининг кўпчилиги ҳам шу корхона жамоаси сафига қўшилдилар. Бугунги кунда корхонада Рафиқовлар сулоласининг йигирмадан ортиқ вакили меҳнат қилмоқда.

Меҳнат, меҳнат... Аслида Рафиқовларни элга танитган ҳам шу ҳалол меҳнат бўлди, дейиш мумкин. Усмонали Рафиқов ҳам кўп йиллик ҳалол меҳнати билан ҳурмат-эътибор топди. 1966 йилда Тошкент политехника техникумини техник-механик ихтисоси бўйича битиргач акаларига эргашиб, "Оҳангаронцемент" корхонасига ишга келди. Ўн саккиз ёшда эди, ўшанда. Даставвал таъмирлаш-механика цехида чилангарлик қилди. Бир ойдан кейин серғайрат йигитни усталикка, яна кўп ўтмай цех механиклигига ўтказишди. 1970 йилда корхонанинг энг қайноқ цехи — куйдириш цехига ишга ўтди. Айланма печ машинистининг ёрдамчиси, машинист, смена устаси вазифаларида ишлади. Ҳозирги кунда шу цехда механиклик қилмоқда.

Усмонали ака Рафиқов корхонадаги ўттиз йиллик меҳнат фаолияти даврида бу жамоада ва умуман ҳаётда ўзидан муносиб из қолдирди. У ўзининг устозлари ишончини оқлади. Шижоатли, сидқидилдан меҳнат қилиб, кўплаб ҳамкасбларининг ҳурматини қозонди. Умр йўлдоши қуйдириш цехида узоқ йиллар машинист ёрдамчиси бўлиб ишлаган Гулсара ая билан олти фарзандни тарбиялаб улғайтирмоқда. Тўнғич фарзанди — Гулзор, иккинчи қизи — Нигора, катта куёви Дилмурод Йўлчиев ҳам шу корхонада меҳнат қилишаяпти. Яна икки қизни уйли-жойли қилишди. Кенжалари Яҳё билан Анвар эса шаҳардаги Алишер Навоий номли 1-ўрта мактабда ўқиш билан шаҳар мусиқа мактабида ҳам таҳсил олишаяпти.

Дарвоқе, оиладаги кенжаларнинг санъатга, мусиқага, қўшиққа ихлос қўйганликлари бежиз эмас. Усмонали ака билан Гулсара ая азалдан куй-қўшиқни севадилар. Уйда доира, дутор, рубоб, ғижжак бор. Бу хонадонда бўлган кунимиз ҳам Усмонали ака шавқ билан дутор черта бошлагач Гулсара ая қўлига доира олиб "Сунбула" қўшиғини бошлаб юборди. Куёвлари Бахтиёржон бошлаган қўшиқ эса кўпчиликни беихтиёр ўйинга чорлади...

Юз-кўзларидан бахтиёрлик ифодаси балқиб турган бу хонадондагиларнинг шодлигини кўриб, "Умр нима? Унинг мазмуни нимада?" деган саволга жавоб топгандек бўлдик. Умр, унинг мазмуни — ҳалол меҳнат билан тўкилган пешона терининг вақти келиб кишига роҳат бахш этишидир, орзуларнинг амалга ошган пайтларида дилдан чиққан куй-қўшиқ ва рақсдир.

Абдурафиқ МАҲКАМОВ,
Қудрат ОДИНАЕВ,
Тошкент вилояти,
Оҳангарон шаҳри.

Бир корхона хабарлари

ДАРОМАД ОШМОҚДА

БЕКОБОДДАГИ автобус-такси саройи вилоят йўловчи ташиш концернининг пешқадам корхоналаридан ҳисобланади. Унинг ўндан ортиқ миллат вакилларидан ташкил топган жамоаси зиммасидаги вазифани доим сидқидилдан бажармоқда. Йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиб, уларнинг узоғини яқин қилиш учун барча имкониятлардан унумли фойдаланишга астойдил ҳаракат қилаётган ҳайдовчилар топшириқларни мунтазам равишда ошириб адо этмоқдалар. Шу туфайли бирлашмага қарашли корхоналараро меҳнат беллашувларида кўпинча мукофотли ўринларни эгалламоқдалар.

Транспортчилар жорий йилнинг биринчи ярмини ҳам меҳнат муваффақиятлари билан якунладилар. Шу даврда йўловчиларга хизмат кўрсатиш бўйича белгиланган режа анча ортиғи билан адо этилди. Унинг бажарилиш кўрсаткичи 102,3 фоизни ташкил этди.

Даромад олишда эришилган натижа янада салмоқли бўлди. Иложи борича кўпроқ автобусларни йўналишларга чиқариш, улардан самарали фойдаланиш, таъмирлаш ишларини транспорт воситалари қатнаётган йўналишларда кўчма устахонага бирлашган чилангарлар ёрдамида амалга ошириш ва бошқа шу каби ишлар ютуқлар омили бўлмоқда.

Йилнинг ўтган ойлари давомида режа бўйича даромад 87 миллион 160 минг сўмни ташкил этиши лозим эди. Амалда эса у 96 миллион 30 минг сўмга етди, яъни топшириқдагидан 10,2 фоиз ортиқ бўлди.

ЙЎНАЛИШЛАР 25 ТАГА ЕТДИ

АВТОСАРОЙ автобуслари қатнаётган йўналишлар ҳам кўпайиб бормоқда. Корхона мутахассислари йўловчиларнинг транспорт хизматига бўлган эҳтиёжини муттасил ўрганмоқдалар. Шуни ҳисобга олиб, янги йўналишларда қатновлар йўлга қўйиляпти. Шу туфайли уларнинг сони йигирма бештага етказилди. Ҳозирги кунда автобуслар Бекобод шаҳри ичидагидан ташқари кўпчилик қишлоқларга ҳам қатнамоқда.

Йўналишларнинг учтаси шаҳарлараро ҳисобланади. Унда узоқ масофаларда йўловчиларга хизмат кўрсатилмоқда. Ҳар куни бу ердан автобуслар Ангрен, Тошкент ва Самарқанд томонга йўл олади. Агар буюртма бўлса автобуслар республикамизнинг бошқа вилоятларига ҳам бориб-келмоқда. Хоразм, Бухоро, Фарғона водийсига саёҳат қилиш истаги билан мурожаат қилган меҳнат жамоаларининг илтимосларини ҳам бажаришга ҳаракат қилинди. Бу эса жамоа даромадларининг кўпайишига олиб келмоқда.

ВАҚТДАН ЎЗИБ

ЖАМОА аъзолари орасида вақтдан ўзиб ишлаётган транспортчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Корхонада узоқ йиллардан бери ишлаб келаётган ҳайдовчилар мамлакатимиз мустақиллигининг етти йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан авж олиб кетган меҳнат беллашувида пешқадамлик қилмоқдалар.

Жамоада шундай катта тажрибага эга бўлган илғорлар ҳақида гап кетгудек бўлса, биринчи навбатда Мадамин Йўлдошев, Нурмуҳаммад Сотволдиев, Муҳаммаджон Султоновлар номини тилга оладилар, улар ёнига яна Азим Мамадалиев, Маъқур Ёқубов, Комил Алакбердиевларни ҳам қўшиб қўядилар. Уларнинг кунлик иш кўрсаткичлари 108 — 110 фоизга бормоқда.

У. МУҲАМЕДОВ,
Т. УСМОНОВ.

ҒЎЗА ПАРВАРИШИ ҚАНДАЙ БОРЯПТИ?

ҒАНИМАТ ДАМЛАР

Ғалла ўримидан қутилиб, ҳосилини саранжомлаб олган бўлса ҳам Набижоннинг кўнгли ҳаловат топмади. Кеча бошқарув раиси Убайдулла Мирсобиров бригада бошлиқларини 4-бригаданинг шийпонига тўплаб, "Ғалла ўримини тугатдинглар, давлат буюртмаси ҳам бажарилди, бунинг учун раҳмат. Энди ҳамма эътиборни ғўзага қаратиш керак. «Асад — экинингни ясат», деб бежиз айтишмаган. Куз хирмони салмоғини мана шу ойда қилинадиган меҳнат ҳал этади. Шуни унутманглар", деб бир жаҳон вазифаларни кўндаланг қилиб қўйди.

Набижон ҳаммага қарата айтилган бу гапларни фақат бир ўзига айтилгандек қабул қилди. Ғўзанинг орасида сочи оқарган деҳқон эмасми, экиннинг ҳолатини бир кўргандаёқ унинг нимадан зориқаётганини англаб оларди. Бригадасининг 70 гектар пахтасини ўзи сингари 22 пудратчи деҳқонларнинг қўлига топшириб қўйган. Аммо ҳатто буғдой ўрими қизиган кунларда ҳам Набижон тонг саҳарлаб аввал ғўза пайкалларини айланиб, культивация билан банд бўлган механизатор ва сувчиларга "ҳорма, бор бўл", деб ўтишни канда қилмади. Ғўзанинг-ку кўриниши яхши, кўрган кўзни қувонтирарли аҳволда. Белга уриб ўсаётган бўлса ҳам сершоҳ, сербутоқ, шохларида ғуж-ғуж гул ва кўсаклар. Чилланинг жазирамасидан эсон-омон олиб ўтилса, аммо устма-уст сув тарабди. Саратон ўтди, энди сувнинг жиловини тортиш керак, агар ғўзалари чанқаган бўлса, шарбат қилиб эгатлардан оқизишни тайинладим.

Набижон ҳам пудратчи Нурининг ерларини кеча эрталаб айланганди. Аслида бригаданинг олди ғўзаси деса бўлади. Олган асаднинг ярмига бормасданоқ пахтаси чунонам очилиб берадики, сўнг бемалол августни охирлатиб теримга тушавериш мумкин бўлади.

Набижон эгатларга бир-бир кўз ташлаб хаёл билан шийпонга бораётганида ёнида кимнингдир, "Ҳов, ҳорма, намунча ўйланиб қолмасанг" деган товушидан чўчиб, атрофга аланглади. Бош ҳосилот Тўхтамурод Ғаффоров экан.

— Ғўзаларни кўриб юргандим, — деди Набижон ва ҳосилотга синовчан тикилди. — Қалай, дурустa?

—Яхши, — Тўхтамурод ҳам унинг гапини маъқуллади.— Шу келишда Нури Матғайибованинг саккиз гектарлик картасини кўрдим. Ғўзалари тийрагу, ўғитини солиб бўлиб, "этакдаги эгатларнинг ғўзалари чанқаб қолипти, унга сув тарамасам бўлмайди, деб маслаҳат берардим.

Набижон ҳам ҳосилотнинг бу гапларини маъқуллаб, сўрида ўтирганларга "эшитдиларингми?" дегандай бош силкиб қўйди.

— Асад — экинингни ясат демоқчисизда-а, — лўкма ташлади механизатор Маъмуржон Ҳасанов. Бу йилги баҳорда 70 гектар ерга чигит экиб, шундан бери ғўза қатор ораларига ишлов бериб келаётганди. Эгат олиш, культивациялаш, озиқлантириш, ҳашаротларга қарши дори пуркаш каби юмушларни ҳам бир ўзи маромига етказиб бажараяпти. Кузда бригаданинг пахтасини машина билан териб берадиган ҳам ана шу Маъмуржоннинг ўзи эди.

— Бошқа бригадаларда аҳвол қандай, шундан гапиринг? — белбоғи билан елпинаркан сўради Маъмуржон бош ҳосилотдан.

— Бу ерга келишда Абдулла Яхёев билан Ғани Валиевнинг бригадасидан ўтдим. Ғўзалари текис, шиғил-шиғил кўсак боғлаяпти. Экинга шарбат беришяпти, чилпишни ҳам тугаллаб қўйишди.

Бир сўз билан айтганда ҳар иккала бригаданинг ҳам ишлари "беш".

Тўхтамурод Ғаффоров гап орасида хўжаликнинг 449 гектар пахта ерларида ғўза парвариши қандай бораётгани, гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш учун нимаики лозим бўлса ҳамма чоралар кўрилаётганини шошилмай сўзлаб берди. Бошқарувнинг ташаббуси билан тунов куни ўтказилган ўзаро текшириш якунлари бугун-эрта муҳокамага қўйилишини айтди.

— Пахта ерларини 226 та оилавий пудратчилар ўртасида тақсимлангани тўғри иш бўлди, — деди у. — Ҳар пудратчининг чекига бериш, ҳосил билан бойитиш, кўсагини семиртириш ва пиширишни маслаҳат берардим.

...Кун оғиб, далалар тафти бироз бўшашди. Шийпон соясида мириқиб ҳордиқ чиқарган бригаданинг аъзолари яна пахтазорга кириб кетишди. Маъмуржоннинг культиватор осилган трактори овози катта пайкалдан эласэлас эшитила бошлади. Ҳа, деҳқоннинг кўнгли бугун қадрдон даласида, мўл ҳосил етиштирилаётган пахтазорида. Барака — кўпчилик билан, деганларидай, Чиноз туманидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги пахтакорлари ҳар бир кунни ғанимат билиб, бутун эътиборни мўл ҳосил етиштиришга қаратмоқдалар. Бободеҳқон айтганидай, бу дамлар эса ғанимат, ундан самарали фойдаланиб қолиш лозим.

Рафиқ ТУРСУНОВ.

ШОЛИ КЎЧАТ ҚИЛИБ ЭКИЛАДИ

Гуручнинг кундалик ҳаётимизда тутган ўрни ҳаммага маълум. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда шоли етиштиришни кўпайтириш ва бу соҳани ривожлантириш иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири қилиб қўйилди.

Ўзбекистон шоличилик илмий текшириш институти олимлари ва меҳнат жамоаси бу соҳада амалга ошираётган ишлар диққатга сазовордир. Институтда тезпишар ва серҳосил шоли навларини яратиш борасида катта ишлар қилинаяти. Олимларнинг асосан қўл меҳнати билан бажариладиган шоличиликка илғор технологияни жорий этиш, барча ишларни механизациялаштириш борасида олиб бораётган изланишлари ўз натижасини бера бошлади. Улар шоличилик селекцияси, соҳани механизациялаш борасида Жанубий кореялик ҳамкасблари билан ҳамкорлик ўрнатдилар. Бу икки йўналиш бўйича иккита қўшма корхона ҳам бунёд этилмоқда. Шоличилик институти ҳамкорлардан 17 миллион сўмга 5 турдаги янги техника воситалари сотиб олди. Бу техника шоли экиладиган майдонларни тайёрлашдан уруғни ундириш ва уни кўчат ҳолида экишгача бўлган барча ишларни бажаради. Жумладан, дастлаб конвейер усулидаги махсус қурилмаларда идишларга шоли экилиб, ундиришга қўйилади. У 30—40 кунлик ниҳолга айлангач, махсус механизмларда шоли майдонларига кўчат қилиб экилади.

Диққат, тажриба

Олимларнинг ҳисоб-китоблари ва хулосаларига кўра битта кўчат экиш механизми 200 кишининг ишини бажаради. У бир кунда 3 гектар шолипояга кўчат эка олади. Янгича усул ҳар гектар ерда 150 килограмм уруғликни тежаб қолиш имконини беради.

Ер махсус механизмлар билан тайёрланганлиги ва шоли маълум даврда ривожланган ҳолда кўчат қилинганлиги учун гербицидларни ишлатишга ҳожат қолмайди. Булардан ташқари кўчат ҳолида экиш усули билан ҳатто ғалласи ўриб олинган майдонларга ҳам такрорий экин сифатида шолини бемалол экиб, юқори ҳосил олиш имконияти туғилади. Бу ўз навбатида мамлакатда шоличиликни ривожлантиришнинг янги имкониятларини очиб беради.

Олимлар шолини кўчат ҳолида экиш ҳосилнинг эрта пишиб етилишини ва ҳосилдорликнинг 20—25 фоизга кўпайишини, шу билан бирга сув сарфини 30 фоизга камайтиришини таъминлашини амалда исботламоқдалар.

Бу усул Тошкент вилояти шоликорларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Янги усулни оммалаштириш мақсадида яқинда Ўзбекистон шоличилик институтида шолини кўчат усулида экадиган Жанубий Кореянинг "Тангйанг" компанияси техникаси билан танишувга бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Унга республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, республика Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази, "Техника холдинг" республика маркази ва бошқа нуфузли ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирок этдилар. Ўзбекистон Шоличилик илмий-текшириш институти директори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Ғ. Раҳимов кенгаш қатнашчиларига янги усулнинг афзалликлари, хорижий техникадан фойдаланиш йўллари ҳақида сўзлаб берди.

Иштирокчилар институтнинг тажриба хўжалигида майдонларни тайёрлаш, шолини кўчат қилиб экиш жараёнлари билан танишдилар. Улар бу илғор усулни республикамизда тезроқ ишлаб чиқаришга жорий этиш керак, деган хулосага келдилар. Бу йил Ўзбекистонда 500 гектар ердаги шоли тажриба тариқасида шу усулда экилди. Кенгашда иштирок этган Жанубий кореялик вакил жаноби Кан мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболи ҳақида сўзлаб, кузда Кореядан шолини ўриб-йиғиб оладиган, қоплаб тайёр қилиб берадиган комбайнлар келтирилишини ҳам айтди.

Маъмур БОЗОРАЛИЕВ,
Ўртачирчиқ тумани.

ТОЗА ҲАВО — ДУНЁ ТАНИГА ДАВО

Гапни шу иборадан бошлашимизнинг сабаби бор. У бугунги кунда тобора чуқур мазмун-моҳият касб этиб бораётир. Тараққиёт асри ҳисобланган ҳозирги юз йиллик ниҳоясида башарият учун экологик ҳалокатлар билан юзма-юз келиш хавфи кўпайди. Бу ҳалокатлар сирасига аломатлари секин-аста кўзга ташлана бошлаган "буғхона ҳодисаси"ни қўшиш мумкин.

Саноатнинг тармоқлари кўпайгани, янги-янги техника воситаларининг кашф этилгани сари атмосферага миллионлаб тонна турли газлар учирилмоқда. Улар орасида қуёшдан келадиган энергияни коинотга чиқармай, атмосферанинг ўзида "ушлаб" қоладиганлари ҳам бор. Иссиқлик энергиясининг ерда қолиб кетаётган ана шу қисми сайёрамиз ҳарорати мувозанатининг бузилишига олиб келмоқда. Бунинг олди олинмаса, ер юзидаги умумий ҳарорат кўтарилади. Бу эса, катта-катта музликларнинг эриши, сахроларнинг кенгайиши, улкан ҳудудларнинг сув остида қолишига сабаб бўлади. Дунёнинг айрим минтақаларида тошқин тўфонлар юз бераётгани, айрим ҳудудларда эса қурғоқчилик авж олаётгани ана шу мудҳиш фалокатнинг аломатлари, бўлса ажабмас.

Илмий тадқиқотлар натижалари эса қуйидагича, ўтган ярим йилликда сайёрамизда ҳарорат одатдагига нисбатан 0,32 даража, океанлар ҳарорати эса 0,2 даража ошган. Айтиш керакки, бундай юксак ҳарорат метеорологик кузатишлар тарихида ҳали қайд этилмаган эди. Умуман, ҳароратнинг кўтарилиши 60-йиллардан бошланганини ҳисобга олсак, вазият анча ойдинлашиб қолади.

Шу ўринда муаммога қарши бирор чора-тадбир кўрилаяптими, деган савол туғилади. Албатта, жаҳон афкор оммаси буни эътибордан четда қолдиргани йўқ. Дастлабки натижалардан бири шу бўлдики, БМТ раҳнамолигида 1992 йили Бразилиянинг Рио-Де-Жанейро шаҳрида сайёрада умумий ҳароратнинг кўтарилиши бўйича халқаро конвенция имзоланди. Унга қўшилган давлатлар зиммасига мамлакатда "буғлантирувчи" газларни камроқ ишлаб чиқариш вазифаси юкланди. Бироқ, номукаммаллиги, барча давлатлардаги шарт-шароитни тўла инобатга олмаган ҳолда ишлаб чиқилгани боис, ҳужжат амалда самара бермаяпти.

Вазиятга чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, қуйидагиларни кўрамиз. АҚШ маъмурияти фақат 2008 — 2012 йилларга келиб, мамлакатдаги зарарли газ чиқиндиларини 1990 йилги даражага туширмоқчи. Ваҳоланки, Европа Иттифоқи чиқинди газларни 2010 йилда 1990 йилгига нисбатан 15 фоиз камайтиришни мўлжаллаган. Япония ҳукумати эса, тахминан 5 фоиз камайтириш ниятида.

Бир қарашда, атмосферага энг кўп "буғлантирувчи" газ чиқарадиган давлат — АҚШ маъ-

ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

муриятининг режаси адолатсиздек туюлади. Лекин, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Масалан, ривожланаётган мамлакатлар сирасига кирувчи Хитой ёки Ҳиндистонда ҳам катта миқдорда шундай газлар чиқарилади. Оқ уй бу давлатлардан ҳам маълум миқдорда чиқинди газларни камайтиришни талаб қилмоқда. Чунки, иқтисодий нуқтаи назардан қаралганда, газ чиқиндиларини камайтириш ишлаб чиқариш суръатини тушириш, деган гап. Бундай мажбуриятни алоҳида бир давлатга юклаш эса тўғри иш бўлмайди. Албатта, ривожланаётган мамлакатларга арзон нархда янги технологиялар берилса, у ердаги ишлаб чиқариш корхоналари чиқиндини камайтирадиган техника билан таъминланса, яхши натижага эришиш мумкин. Бироқ, иқтисодий нуқтаи назардан олиб қаралганда, бу ҳам маълум маънода нотўғри. Ҳозирги даврда миллий иқтисод манфаатлари айрим ҳолларда умуминсоний манфаатлардан устун қўйилаётгани сир эмас.

Бундан ташқари, атмосферага "буғлантирувчи" газ чиқаришни камайтириш масаласига ўзига хос ёндашаётган яна бир гуруҳ давлатлар бор. Улар ОПЕК — нефть ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчилар ташкилотига аъзо мамлакатлардир. Гап шундаки, нефть маҳсулотлари чиқиндиси таркибида ҳам "буғхона ҳодисаси"ни юзага келтирадиган газлар мавжуд. Агар зарур халқаро ҳужжатлар қабул қилинса, бутун дунёда нефть маҳсулотларига талаб озаяди. Бу эса ОПЕКнинг ҳар бир аъзоси учун 10 миллиард АҚШ долларигача зарар келтиради. Буни ташкилот бош котиби Рилвану Лукманнинг ўзи ҳам бир неча бор таъкидлаган.

Шундай экан, ҳар бир давлатнинг миллий манфаати, шарт-шароити, жуғрофий жойлашуви ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда янги ҳужжат ишлаб чиқиш энг мақбул йўлдир. Ўтган йилнинг декабрь ойида Япониянинг Киото шаҳрида бўлган халқаро анжуман иштирокчилари бунга яна бир бор уриниб кўрди. Унда ривожланаётган давлатларда "буғлантирувчи" газларни камайтириш натижасида кўрилган зарарнинг маълум қисмини қоплайдиган махсус жамғарма тузиш, белгиланган меъёрларни бажара олмаган мамлакатларга жарима солиш, миллий экология дастурларини амалга ошириш учун айрим ривожланаётган мамлакатларга молиявий ёрдам кўрсатиш сингари қатор амалий таклифлар илгари сурилди. Бироқ, анжуманда яқдил фикрлардан кўра, тарқоқ фикрлар кўп бўлгани боис Киото учрашувида аниқ бир тўхтамга келинмади. Атмосферага етказилган зарар учун ким товон тўлаши керак, деган савол жавобсиз қолди.

Шу йил июнь ойида Россия пойтахтида ҳам экология муаммоларига бағишланган халқаро анжуман бўлди. Унинг аҳамиятли томони шунда эдики, анжуман билан бир вақтда атроф муҳит барқарорлигини бузмайдиган, экологик муаммолар билан курашадиган янги техника ва технологиялар кўргазмаси ўтказилди. Булар орасида ўрмонлардаги ёнғинларни тезкор ва безарар усуллар билан ўчириш, йирик сув ҳавзалари, экин майдонларининг нефть маҳсулотлари ёки бошқа зарарли моддалар билан қопланган юзасини тозалаш, шунингдек, жойларда экологик ҳолатни назорат қилиб туриш ва ҳатто зилзила ҳақида аввалдан огоҳлантиришга мўлжалланган янги қурилмалар ва кўплаб бошқа техникалар бор. Ушбу анжуманнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шу бўлдики, унда кенг жамоатчиликнинг экологик ўзгаришлар ҳақида ахборот олиш ҳамда соҳа муаммоларини ечишда иштирок этиш ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенцияси муҳокамага қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, масаланинг ечимини топишга киришилди. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар қўлами ва суръати тобора ошмоқда. Инсоният янги асрга қадам қўяр экан, техника мўъжизалари билан бирга, келгуси юз йилликдаги авлодларга озода ва обод сайёра ҳам қолдиради, деган умид бор.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ҲОСИЛ ЧАККИ ЭМАС

Ўз еринг бўлганига нима етсин.

Бу йил Жўрахўжа Сиддиқовнинг ана шу эзгу орзуси амалга ошди. У Тошкент туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигидан пудратчи бўлиб ер олиб, деҳқончилик қилди. Барча оила аъзолари билан меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштиришга эришди. 15 тонна картошка, 30 тонна карам топширди. Ҳосилдан бўшаган ерларга такрорий экинлар экди.

СУРАТДА: Жўрахўжа Сиддиқов фарзандлари Олимхўжа ва Одилхўжа билан картошка ҳосилини йиғиштириб оляпти.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР

54-БОШ ВАЗИР

Ўтган ҳафта охирида, ниҳоят, Япония янги бош вазирга эга бўлди. Р. Ҳасимото ҳукуматида ташқи ишлар вазири бўлган Кэйдзо Обути мазкур мамлакат тарихида 54-бош вазир этиб тайинланди. Оммавий ахборот воситалари мазкур вазирлар маҳкамасини "миллий қутқариш ҳукумати" деб атай бошладилар. Вазирлар маҳкамаси тўлиқ таркиби деярли маълум бўлди. Молия вазири этиб собиқ бош вазир, 78 яшар Киити Миядзава, Ташқи ишлар вазири этиб Масахико Комура тайинландилар.

"ДАҲАНАКИ ЖАНГ" ДАВОМ ЭТМОҚДА

МАЙ ОЙИДА Ҳиндистон ва Покистонда оммавий қирғин куроллари синалиши бу икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар риштасини янада таранглаштириб юборди. Халқаро ташкилотларнинг ўзаро музокараларга киришиш тўғрисидаги даъватларига қарамай, ҳанузгача бу икки мамлакат раҳбарлари келишувнинг ижобий нуқталарини ушлаб ола олмаётирлар. Покистон бош вазири Навоз Шариф ва Ҳиндистон бош вазири Атал Бихари Важпаи ўртасидаги мулоқотларнинг самараси кўринмаётир. Аммо, Кашмирдаги куролли можаролар давом этмоқда. Икки давлат раҳбарларининг сиёсий ва хавфсизлик масалаларида бир тўхтамга келиши ўта қийин бўлмоқда.

ПОРА ОЛИШНИНГ ОХИРИ ВОЙ

ХИТОЙ коммунистик партияси Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Пекин партия қўмитасининг биринчи котиби Чэнь Ситун амалда бўлган пайтида 2 миллион долларга яқин пулларни талонторож қилишликда ва порахўрликда айбланиб, бир мунча муддат илгари ҳибсга олинган эди. Яқинда унинг устидан бўлган суд ниҳоясига етди. Порахўр амалдор 16 йилга озодликдан маҳрум этилди.

САВОЛЛАРГА... ПРЕЗИДЕНТ ЖАВОБ БЕРАДИ

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ Билл Клинтон бошида тўпланаётган "қора булутлар" яна қуюқлаша бошлади. Махсус прокурор К. Старр ва қатор хонимлар президентни маъшуқалар билан "дон олишишда" айблаб келдилар. Давлат бошлиғининг адвокати Дэвид Кендалл, ниҳоят, Б. Клинтон кенгайтирилган суд ҳайъати олдида очиқ жавоб беришга рози бўлганлигини айтди. Сўроқ-жавоб пайти телекўрсатув орқали намойиш этилади. Бу ҳақда "Лос-Анжелес таймс" газетаси хабар берди.

БИРИНЧИ МАРТА — ЎЛИМ ЖАЗОСИ

ФИЛИППИН тарихида илк маротаба аёл киши суд томонидан ўлим жазосига ҳукм қилинди. Жозефина Эспарас 1994 йилда Гонконгдан Манилага 20 килограмм қора дори олиб келаётганда полиция томонидан тайёрагоҳда қўлга олинган эди. Филиппинда ҳозирга қадар 600 жиноятчи ана шундай олий жазога ҳукм қилинган.

ЖИНОЯТЧИЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

ТОЖИКИСТОННИНГ Колхозобод туманида олти кишидан иборат жиноий гуруҳ қўлга олинди. Мамлакат ички ишлар вазирлигидан хабар беришларича, мазкур гуруҳ сўнгги бир неча йил ичида боскинчилик, талончилик, ўғирлик йўли билан кўплаб оғир жиноятлар содир этганликда айбланмоқда. Дастлабки тергов пайтидаёқ улар 30 кишининг, жумладан, икки нафар милиция ходимининг ёстиғини қуритганлигини тан олдилар.

ҚОЧИБ ҚУТУЛМАГАН ҚОЧОҚЛАР

ҲИНДИСТОНГА денгиз орқали ноқонуний равишда ўтмоқчи бўлган 47 нафар Шри-Ланка фуқаролари очиқ денгизда ғарқ бўлдилар. Воқеа Тамилнада штати қирғоқларидан 15 километр узоқликда юз берди. Фожиага гувоҳ бўлган ҳинд балиқчилари фақат беш кишинигина қутқаришга муваффақ бўлдилар.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ).

СЎҚОҚҚА КЕЛИШАР УНИ СЎРОҚЛАБ

ОРИФ Одилхонов ҳозирги замон қўшиқчи санъаткорларимиз дилига тушган шоир. Мен унинг ижодини йигирма йилидан буён кузатиб келаман. Унинг феъл-атвори, одамохунлиги, ажойиб инсон эканлигидан далолат беради. Орифнинг шу кунгача бир нечта шеърий мажмуалари чоп этилди. Шоирнинг асосий мавзуси кундалик ҳаёт ва гўзал борлиқ, табиат манзараси унга илҳом бағишлайди.

Бола эдим... бир кун эрталаб
Боғ кезардим, гуллаган бодом.
Дилбар куйдек дилни эркалаб
Ку-куларди қумри дам-бадам.

Ҳа, шоир болалигидан табиат мафтункори бўлганлиги шеърларида ҳам кўриниб турибди. Ҳар фаслнинг ўзига хос кўрку-таровати шоирни ҳаяжонга солади. Эркин Воҳидовнинг Ориф Одилхонов кўп китоб титиб ўтирмайди. Мавзуни кўпроқ гўзал табиатдан ва ҳаётдан олади, деган сўзлари тўғри эканлигини шоирнинг ғазалларида ҳам учратиш мумкин:

Туриб эрта саҳарларда
сабони куйласам, дўстлар
Юрагим торини чертган
навони куйласам, дўстлар.

Ҳар кимга ҳар хил туйғу изҳор этадиган тонг ўзининг сеҳрли жилолари, майин наволари, оҳиста эсган саболари жаннатнинг бир белгиси бўлмиш ажиб таровати, кўрки юрак туйғуларини ҳаяжонга солиши табиий. Демак, мафтункор тонг шоир юрагини чертиши табиий. Унинг феъл-атвори ҳеч кимга ўхшамас, ажойиб фазилатга эгаки, айниқса барчага кўнглининг очиқлиги инсонларда кам учрайдиган хислатлардандир. Тўқима образларга усталиги, ўзбек, қозоқ, тожик латифаларини мароқ билан урғу бериб сўзлаши тингловчини хайратга солади. Даврада қайси мавзуда сўз кетаётган бўлса, ўша мавзуга муносабат билдира олади. Ориф қўшиқ куйлаганда санъаткорлардан қолишмайди. Тарих ва матбуотда кўп ижодкорлар ўз шеър ва ғазалларига куй басталаб, ўзи куйлаганини эшитганмиз. Атоқли шоиримиз Ғафур Ғулом ҳам шундай ижодкорлар тарзига киради. Буюк аллома дутор билан муножот ва бошқа қўшиқларни қойилмақом қилиб куйлаганини гувоҳлар айтиб ўтишган.

Ориф Одилхонов Паркент туманига қарашли Сўқоқ қишлоғида оддий деҳқон оиласида туғилган. Сўқоқ қишлоғи энг хушманзара, Чотқол тоғи этагига жойлашган сўлим маскан. Ориф шу қишлоқ мактабида ўқиб, билим олди. Шоир она қишлоғи Сўқоқ ҳақида шундай куйлайди:

Бу меҳнаткаш азиз халқим
Чиройи бор чиройингда.
Юзин чайгай боқиб ҳар тун
Ою, юлдузлар сойингда.

Шоир қишлоғини қиёси йўқ тенгсиз гўзалликка ўхшатади.. Қишлоқ ўртасида шовқин солиб ўтаётган анҳорга баҳорнинг ойдин тунлари жаннат рангидай товланган бетакрор, гўзаллик сиймоси бўлган, ой-юлдузларни мафтун этган қишлоқ манзарасига бадиий жило беради. Сўқоқнинг ҳар бир гўшаси шоирга яхши таниш. Шеър ва ғазалларнинг қўшиққа айланиши туйғуларнинг уйғунлиги, унинг тасвиридаги изчиллиқдандир. Унинг "Тоғда бир чашма", "Тоғлар таронаси", "Йўлларимга интизор", "Дунё кезиб", "Дононларга эргашиб", "Она меҳри" шеърий тўпламлари чоп этилди.

Ҳар йилги ёзги таътилда Сўқоқ масканига кўплаб ижодкорлар келишиб хордиқ чиқарадилар. Улар шоирнинг ширин суҳбатларидан мамнун бўлиб қайтишади.

Қарибсан десалар
дўстларим агар,
Ҳазилми ёки чин кўнглимни эзар.
Аммо гул ёшликни ортда қолдириб,
Сездирмай қарилик ўзин кўргазар.

Шоир бу тўртлигида ҳаёт қонунини фалсафий мушоҳада юритади. Инсон ҳаётга келиб кексайиши табиий эканлигини шоирона талқин этади.

Халқимизнинг маънавий ҳаётида кун сайин рўй бераётган янгиликлар онгимизнинг шаклланиши тўғри йўлдан бораётганлигини билдиради. Ориф Одилхонов мустақилликнинг илк кунларини зўр қувонч билан кутиб олган эди шоир.

Ватаним истиқлол
арафасида
Бир ширин орзу-ла
ёнмоқда юрак.
Енгиллик сезаман
эл нафасида
Тонгларим олтинга айланар бешак.

Айни пайтда мустақилликнинг самарасини шоир юрақдан ҳис этмоқда. Ориф Одилхоновнинг муборак ёшга етганлиги билан қутлаб, шоирга омонлик тилайман. Мустақилликдан эркин нафас олиб, қўшиқсевар халқимизга янги-янги қўшиқлар туҳфа қилишига ишонаман.

Асом ЗИЁМАТ.



Ўлкамиз табиати ниҳоятда гўзал. Айниқса, ёз кезлари Бўстонлиқ туманининг тоғли худудларига йўлингиз тушиб қолса, осмонўпар чўққилар, шарқираб оқаётган зилол сувлар, борлиқни қуршаб олган наботот оламининг ўзгача жозибаси мафтун этмай қўймайди.
Владимир ПОРТНОВ сурат-лавҳаси.

АЛЛОМА ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАБ

Вазирлар Маҳкамасининг "Аҳмад Алфарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига асосан Ўзбекистон Бадиий академияси Фарғона вилоят ҳокимлиги билан биргаликда юбилей эмблемасини яратишга танлов эълон қилган эди. Унда мамлакатимизнинг кўпгина таниқли мусаввирлари, ҳаваскор рассомлар қатнашди. Танловга тақдим этилган лойиҳалар ичидан Ўзбекистон халқ рассоми, академик Қутлуғ Башаров яратган рамз ғолиб деб топилди ва у республика ташкилий қўмитаси томонидан юбилей эмблемаси сифатида тасдиқланди.

Асарлари жаҳоннинг саксондан ортиқ давлатидаги музейларда, шахсий коллекцияларда сақланаётган рассом Беруний, Хоразмий, Навоий каби Шарқ мутафаккирларининг портретларини яратган. Аҳмад ал-Фарғоний юбилейи муносабати билан таниқли мусаввир шу кунлари Бадиий академия ташкил этадиган кўргазмада иштирок этишга катта тайёргарлик кўрмоқда. К. Башаров аллома ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи учта триптих яратяпти. Бу ҳам ижодкорнинг буюк ватандошимиз юбилейига муносиб совғаси бўлади.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

МАКТАБДА ЦЕХ ВА УСТАХОНАЛАР

ЯНГИЙЙЎЛ шаҳридаги 3-касб-хунар мактабида ихтисослашган алоҳида бўлим очилди.

Унда ўғил-қизлар ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, рассом-моделерчи, жиҳозловчи рассом каби ихтисосликлар бўйича билим олиб, амалий кўникма ҳосил қиладилар. Бу ерда кулолчилик ва тикувчилик цехларини очиш ҳам кўзда тутилди. Шунингдек, бадиий устахоналар ҳам касб-ҳунар эгалловчилар ихтиёрида бўлади.

Бу эса мактаб негизида қатор маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини беради. Натижада кўпгина ишчи ўринлари юзага келади. Мазкур бўлимнинг ташкил этилиши янги ўқув йили олдидан янгийўллик ёшлар учун яхши совға бўлди.

Акбар АЛИЕВ.

Ўзбекистон ойнаи жаҳони суҳандони Дилфуза Юсупова билан мулоқот

МЕҲР ҚОЛУР, ЯХШИ СЎЗ ҚОЛУР...

— Дилфузахон, анъанага кўра, суҳбатимизни сизнинг суҳандонлик фаолиятингиздан бошласак... Қандай қилиб телевидениега келиб қолгансиз ёки сизнинг суҳандон бўлишингизга туртки бўлган нарса нима?

— Менинг телевидение соҳасига оилавий жиҳатдан бироз боғлиқлик томоним бор. Яъни дадам — "Телеминиатюралар театри", "Экран хандаси" кўрсатувлари орқали таниш бўлган Ортиқ Юсупов менда ҳам ижодкорликка ҳавас уйғота олган инсондир. У кишининг далдаси билан 17 ёшга тўлар-тўлмас республика экранида суҳандон сифатида ишлаб, элга танилдим, эътиборга тушдим. Аммо, суҳандонлар танловиғ Феруза опамнинг маслаҳати билан борганман. Кейинчалик раҳматли устозим Ўктам Жобиров, шунингдек, Дилором Умарова, Галина Мельникова сингари тажрибали суҳандонлардан кўп тарбия олдим. Умуман, танлаган касбимдан нолимайман.

— Кейинги икки-уч йил давомида "Ойнаи жаҳон"да негадир кўринмай қолдингиз. Эшитишимизча, фарзандли бўлибсиз. Оналик меҳри, оналик қадри ҳақида нима дея оласиз?

— Мен онажонимнинг оилапарварлигига, сабр-тоқатига, фарзандларга ниҳоятда эътиборли эканликларига жуда кўп марта тан берганман, уларни иззат-ҳурмат қилишга интилганман. Аммо, аёл киши онанинг қадрини, барибир, ўзи она бўлгандан кейингина чуқурроқ тушунар экан. Эндигина битта фарзандга эга бўлибманки, кичкина Жавлонбекни улғайтириш жараёнида "Оҳ, онажоним мени ҳам шундай қийналиб катта қилганмикин-а?" дея тез-тез ўйга толаман. Биз фарзандларнинг оналаримиз олдидаги қарзимиз шунчалик катта эканки, уни узиш учун умримиз камлик қилса керак. Оналарни ҳамиша асраш керак..,

— Қайнонангиз Тошхон опа касаллик туфайли ногирон бўлиб қолган эканлар. У киши сизни ўз қизларидек яхши кўришларининг боиси ҳам ана шу "оналарни асраш керак" деган ақидангиз туфайлими ёки...?

— Қайнона-онажоним ниҳоятда болажон аёл. Афсуски, ёшлари ўтиб, кексайганда ногирон бўлиб тўшакка ётиб қолдилар. Мен у кишидаги матонатни, эрга садоқатни, фарзандларга жонфидоликни кўриб, ҳайратга тушаман. Ўз онамдек эъзозлагим, парваришлагим келади, шунга ҳаракат қиламан. 63 ёшга кирибдилар-ки, уч ўғил, икки қизга бирдай меҳрибон. У кишининг темир иродаси бизларни ҳам ҳаётда сабр-тоқатли, келажакка ишонч билан қараш туйғуси билан яшашга ундайди.

— Аёл сифатида биз эркаклардаги камчиликларни нималарда кўрасиз?

— Ҳар бир эркакнинг оилада ҳам, жамиятда ҳам ўрни беқиёс. Ватанга хизмат, маҳаллага бош-қошлик, ўз оиласига меҳр... Лекин, мен нимагадир ҳарбий хизматдан бўйин товлаган, турмуш юмушларини бутунлай аёли зиммасига юклаб қўйган йигитларни умуман тилга олгим келмайди. Чунки, бу ҳислат йигитлик номига муносиб эмас. Болалари тарбиясига қарамайдиган, кекса ота-онасининг еб-ичишидан хабар олмайдиган эркакларни эса умуман "жиним суймайди".

— Эркакларнинг уй юмушларига куймаланиб қолишига муносабатингиз-чи?

— Бу ҳар кимнинг ўз иши. Лекин, бу билан мен "эркаклар кир ювсин, овқат пиширсин, болага қарасин" демоқчи эмасман. Оилада эркак кишининг ўз ўрни, ўз мавқеи бор. Мен миллий урфимизга амал қиламан: эркак киши, аёли ким бўлишидан қатъий назар, ундан бир поғона баландда турмоғи керак.

— Оталарнинг гўдак фарзандига алла айтишини ёқтирасизми, умуман, бу "вазифани" уларга сингдирса бўладими?

— (кулди)... Шарт эмас. Чунки, алла — аёл учун, аёл эса алла учун бунёд бўлган. Бу ишни бизларга қўйиб бераверинглар.

— Келгусидаги режаларингиз ҳақида нима дея оласиз?

— Мен суҳандонликдан ташқари дубляж соҳасида, яъни бир қанча фильмларга, шунингдек, мультфильмларга овоз беришда ўз имкониятларимни синаб кўрганман. "Армон", "Кишан ва Канҳая", "Гуноҳ" сингари ҳинд фильмлари томошабинларнинг ёдида бўлса, ажабмас. Мен бу ишимни ҳам жуда яхши кўраман. Насиб қилса келгусида бу борадаги фаолиятимни янада кенгайтириш ниятидаман. Энг муҳими, оилада ҳам, муҳлисларим олдида ҳам ҳамиша эътиборли ва эъзозли бўлиш — менинг бирдан бир мақсадим. Бу ҳаётда инсондан фақат яхшилик қолади, меҳр қолади, самимий қалб билан айтилган бир оғиз ширин сўз қолади...

Суҳбатдош:
Мухтор СУЛАЙМОНОВ.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

МИТТИ "ТЕРРОРЧИ"

● Американинг Теннисси штатидаги боғчалардан бирида тарбияланаётган 5 яшар бола ҳибсга олинди. Маълум бўлишича, митти террорчи ўз тарбиячисини ўлдирмоқчи бўлган. Полиция вакилларининг аниқланишича, воқеа бундай бўлган: тарбиячи томонидан таҳқирланган бола уйидан яширин ҳолда 25 миллиметр калибрли тўппончани боғчага олиб келган. Уни ўртоқларига кўрсата туриб, "мени бурчакка турғизиб жазолагани учун боғча опадан қасдимни олмоқчиман", деб мақтанади. Шу заҳоти болалардан бири тўппонча ўқларини олиб, тарбиячисига кўрсатади. Ўз ўрнида тарбиячи «митти террорчи"ни дарҳол қуролсизлантириб, ҳуқуқ ҳимоячиларига хабар беради. Полиция ходимларининг аниқлашича, тўппонча боланинг бобосига тегишли экан.

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

● Польшанинг афсонавий спортчиси — ядро улоқтириш бўйича олимпия ўйинлари чемпиони Владислав Комар қонунбузарлиги учун жазоланди. У АҚШдан ноқонуний, сохта ҳужжатлар билан"Қўлбола" машинани ватанига олиб ўтмоқчи бўлган. Ченство судининг ҳукми билан у ўн ой муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, бир ярим минг злотий миқдорида жарима ҳам тўлайдиган бўлди.

Ҳар тугул, спортчининг қилган хизматлари инобатга олиниб, ҳукм ижроси 2 йилга кечиктирилди. Шу муддат давомида у жамоатчилик олдида ўзини тўла оқлаши керак.

(ЎзА).

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

МУСОБАҚА ДОИРАСИ КЕНГАЙМОҚДА

Мамлакатимиз мустақиллигининг етти йиллиги байрам қилинадиган кунларда Тошкентда Ўзбекистон Президенти кубоги учун дастлабки халқаро мусобақа ўтказилади. Олимпия шон-шуҳрати музейида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу ҳақда гап борди.

Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Баҳодир Махситов кураш ҳамиша халқимизнинг севимли спорт турларидан бўлиб келгани тўғрисида гапирди. Шу боис, ҳозир, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга жиддий эътибор берилаётган пайтда курашни тарғиб қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Кураш бўйича Ўзбекистон Президенти кубоги учун биринчи халқаро мусобақанинг ўтказилиши республикамиздагина эмас, бошқа мамлакатларда ҳам спортнинг бу миллий турини оммалаштиришни янги босқичга кўтаради.

Шу йил 5-6 сентябр кунларида ўтадиган кураш бўйича мусобақада иштирок этиш учун 20 мамлакатдан полвонлар таклиф этилган.

(ЎзА).

ЎЗБЕК САМБОЧИЛАРИНИНГ КАТТА ҒАЛАБАСИ

Тошкентда самбо бўйича VII Осиё чемпионати Ўзбекистон спортчиларининг катта тантанаси билан ниҳоясига етди. МҲСК спорт мажмуида Япония, Россия, Монголия, Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон спортчилари ўзаро куч синашдилар.

Ўсмирлар ўртасида асосий кураш Ўзбекистон ва Қозоғистон спортчилари ўртасида бўлди. Ўзбекистонликлар команда ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Латиф Латипов, Абдулла Тангриев, Саидкарим Олимов Осиё чемпиони унвонини қўлга киритди.

Қозоғистон терма командаси иккинчи, Қирғизистон командаси учинчи ўринни эгаллади.

Ёшлар ўртасидаги мусобақада ҳам ўзбекистонликларга тенглашадиганлар топилмади — спортчиларимиз бешта олтин медални қўлга киритишди. Дўстмурод Орзуев, Шавкат Баратов, Чориёр Ҳайитов, Михаил Бектошев ва Салоҳиддин Муродов ана шу олтин медал соҳиблари бўлди.

Катта ёшдаги спортчилар ўртасидаги финал учрашувлар чемпионатнинг энг юксак нуқтаси бўлди. Ўзбекистон самбочилари Россия ва Монголия вакиллари билан учрашувда ғалаба қозониб, команда ҳисобида биринчи ўринни олишди. Фарҳод Хўжанов, Ботир Ҳасанов, Шавкат Жўраев ва Акобир Курбонов Осиё чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Монголия командаси иккинчи, Россия командаси учинчи ўринни эгаллади.

— Самбо бўйича VII Осиё чемпионатидан яхши таассурот билан қайтмоқдамиз, — деди хайрлашув чоғида Осиё самбо федерацияси президенти Баттулга Ҳатма. — Ўзбекистон анъана бўйича мусобақани жуда яхши ташкил этди.

Чемпионат халқаро Олимпия қўмитаси президенти Ҳуан Антонио Самаранчнинг Ўзбекистон энг юксак даражадаги халқаро мусобақаларни ўтказишга тайёр, деган гапини яна бир бор тасдиклади.

Мен мамлакатингизга биринчи бор келганим учун меҳмондўст халқингиз билан яқиндан танишишга, гўзал Тошкентнинг барча меъморий обидаларини кўришга улгуролмаганимдан афсусдаман. Лекин, умид қиламанки, Ўзбекистон бизни ҳали кўплаб йирик халқаро мусобақаларга таклиф этади.

(ЎзА).

Шашка, картинг ва самолётсозлик болалар севган энг оммавий спорт турлари ҳисобланади.
Равиль АЛЬБЕКОВ сурат-лавҳалари.

ҚАЙТАРИЛДИ

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари ғалла, ёнилғи-мойлаш материалларини талон-тарож қилишнинг олдини олиш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

Шу йилнинг 5 июль куни Бекобод шаҳар Ўратепа постида Тожикистоннинг Хўжанд вилояти, Нов қишлоғида яшовчи Н. Турдиев ҳамда Г. Эргашев 190 килограмм буғдойни мамлакатимиз ҳудудидан ноқонуний равишда олиб чиқиб кетаётганида қўлга тушди. 14 июль куни Бўка туманидаги "Дўстлик" жамоа хўжалиги омбор мудири Б. Ниёзқулов ўз уйига 3200 килограмм буғдойни яширганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, айни пайтда тергов ишлари олиб борилмоқда.

Тезкор тадбирлар натижасида ўрим-йиғим мавсумида ўн тоннага яқин ғалла давлат омборига қайтарилди. Жиноятга қўл урган 17 шахснинг 11 нафарига жарима солинди. Уларнинг олтитасига нисбатан эса жиноий иш қўзғатилди.

П. НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА обҳавони кузатиш бош бошқармасидан олинган хабарларига қараганда, 5-9 август кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида обҳаво ўзгариб туради. Айрим худудларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши эҳтимоли бор. Момақалдироқ пайтида шамол кучайиб, унинг тезлиги ҳар сонияда 15-20 метрга етади.

Ҳарорат кечалари 19-24, кундуз кунлари эса 32-37 даража иссиқ бўлади.

Қибрай шаҳарчасида 4 хонали, яхши таъмирланган, 1 сотих боғи бор, 2-қаватдаги уй арзон нархда
СОТИЛАДИ
Тел. (код-8-295) 6-30-73.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0235. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 8.449 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди –18.30. 1 2 3 4 5 6